



ҚИШЛОҚ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ
1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ҲАЁТИ



МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗМУСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 30 май. ЖУМА № 43 (5.816). Сотувда эркин нархда

ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСЛАРИ

«Ўзбекистон» нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобини ўзбек ва рус тилларида босмадан чиқарди. Мазкур китоб давримизнинг энг муҳим ва мураккаб ижтимоий-сивсий

муаммолари таҳлиliga бағишланган. Китобнинг «Хавфсизликка таҳдид» деб номланган биринчи бобида минтақавий моjarолар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруг-аймоқчилик муносабатлари, эко-

логик муаммолар ҳар томонлама изчил таҳлил қилинади. «Барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари» деб номланган иккинчи бобда эса истиклол йилларида Ўзбекистонда рўй берган оламшумул ўзгаришлар хусусида фикр юритилади. Жумладан, миллий кадрлар ва миллий ўзликини англашнинг тикланиши, давлатчилик-

шининг асосий мазмуни, айтиш мумкин, пировард ва олий мақсадидир. Китобда ана шу улуг мақсад йўлида турган муаммолар ва таҳдидлар чуқур илмий ёндашув ва холислик билан ёритилган. Бу муаммо ва таҳдидларни аниқ тушуниш эса жамиятнинг бирлаштирилади, жипс-лаштирилади, ҳар бир киши-


ги кенг қуламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатлари, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик масалалари бугун оламда рўй берётган мураккаб ва жўшқин жараёнлар билан бевоқифа ўзвий боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади. Бу китобда муҳокамага қўйилган мавзунинг ўзи — яъни, хавфсизлик, барқарорлик, мамлакатнинг собитқадамлик билан ривожланишига эришиш масаласи моҳият эътибори билан давлат мустақиллиги ва суверенитети, халқаролик ва тенглигига эри-

дорлигини пухта идрок этиш, янада теранроқ аниқлаш имконини беради. (ЎЗА).



га ўзининг масъулиятини, ўз улқаси, жонажон ватанининг тарихи ва ҳаётидаги мураккаб воқеаларга дахл-

ХИРМОНГА БАРАКА, УМРИНГГА БАРАКА, БОБО ДЕҲҚОН!



Жорий йилги об-ҳаво ғаллачилик учун нихоятда қулай келди. Ҳозир денгиздек чайқалиб турган ғаллазорларни кўриб кишининг ҳаваси келади. Урим-йғим мавсумининг оммавий бошланғичига ҳам санокли кунлар қолди. Республикаимизнинг катор вилоятларида эса бу масъулиятли ишга киришилди.

ОҚ ЙЎЛ, ҒАЛЛА ҚАРВОНИ!

Ангор тумани ҳокими Рашид ЭШБОЕВ ҳикоя қилади

Ғаллазорлар оҳанрабодек барчани бағрига чорлаган. Донга тулган олтин бошоқлар фидойий меҳнат, изланувчанлик меваси сифатида кўзни қувнатди. Урим-йғимнинг республикада биринчилардан бўлиб бошланган миришкорларимиз кун сайин суръатта суръат қўпишмоқда. Қувончлиси шуки, фақат Ангорда эмас, балки бутун Сурхондарё вилоятида арпа, бўғдойдан мўл ҳосил етиштирилди. Вилоятда салкам юз минг гектар сугорилган майдонда бебаҳо неъмат етиштирилди. Мухтарам Президентимизнинг Сурхондарёга ташрифи чоғида уртага қўйган долзарб вазифалар, йўл-йўриқлар асосида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Масъулиятли мавсумни узоғи билан 25 йил кўнида кўнгилда тикилган яқунлаш ният қилинган. Иш икки сменада ташкил этилди. Мавжуд техникани сифатли таъмирдан чиқариш, гермитизацияни намунаси амалда оширишда иқтидорли мутаассислар яқиндан ёрдам бердилар. Ташкил-органлаш техникаси, хирмонжойлар, дон қабул қилиш пункти, лаборатория, тарозулар вақтида шай этилди.

Ғаллазорлар оҳанрабодек барчани бағрига чорлаган. Донга тулган олтин бошоқлар фидойий меҳнат, изланувчанлик меваси сифатида кўзни қувнатди. Урим-йғимнинг республикада биринчилардан бўлиб бошланган миришкорларимиз кун сайин суръатта суръат қўпишмоқда. Қувончлиси шуки, фақат Ангорда эмас, балки бутун Сурхондарё вилоятида арпа, бўғдойдан мўл ҳосил етиштирилди. Вилоятда салкам юз минг гектар сугорилган майдонда бебаҳо неъмат етиштирилди. Мухтарам Президентимизнинг Сурхондарёга ташрифи чоғида уртага қўйган долзарб вазифалар, йўл-йўриқлар асосида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Масъулиятли мавсумни узоғи билан 25 йил кўнида кўнгилда тикилган яқунлаш ният қилинган. Иш икки сменада ташкил этилди. Мавжуд техникани сифатли таъмирдан чиқариш, гермитизацияни намунаси амалда оширишда иқтидорли мутаассислар яқиндан ёрдам бердилар. Ташкил-органлаш техникаси, хирмонжойлар, дон қабул қилиш пункти, лаборатория, тарозулар вақтида шай этилди.

Белгиланган тадбирларга кура республика «Нуроний», «Маҳалла», «Қамолот» жамғармаларининг туман бўлиmlари, ҳуқуқ тартибот идораларининг ходимлари омма орасида тартибот таъшиқоти ишларини намунаси билан боришмоқда. Нобудгарчиликнинг олдини олиш, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш

дан рағбатлантирилмоқда. 200 та юк ташини машинаси, 400 тележка, 5 та дон тозалаш механизми, 21 та юклар техникаси узлуксиз ишламоқда. Энг юқори курсаткича эришган, йиллик режани биринчи бажарган, ғалладан бушаган майдонларга озука экинлари экишга эришган хужалик «Тикко» автомашинаси билан мукофотланади. Эл бойлигини энгиндан сақлаш, ташимачиларнинг йўлини тусиш юзасидан ҳам таъсирчан тадбирлар амалда оширилди. Омма уртасида кенг тушултириш ишлари олиб борилганлиги мақсадга эришилди муҳим омили бўлди. Иқтисодий олоҳот бизга кўп нарса берапти. Ҳақиқий мулкдорлар синфи шаклланди, одамларнинг ерга, ғаллачиликка бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Сунгги йилларда фаҳримиз бўлмиш аjoyиб тажрибадорлар, таъаббускорлар етишиб чиқдилар. Масалан «Талима-рон» хужалиги миришқори Тилов Иброҳимовни олайлик. У киши ойларида яшил майсаларни унглиштиришга алоҳида эътибор беради. Баракали ҳосил етиштиришнинг узнга хос тажриба мактабини яратган бу фидокор уртдан йили гектаридан 52 центнердан бугдой ҳосили олишга эришган. Айни кунларда мазкур курсаткичи 55 центнерга етказиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. «Мустақиллик» хужалиги ижарачиси Олаберди Сармонов нисбатан мураккаб шароитда деҳқончилик қилади. Бирок у муаммоларни омиликорлик, ташкилотчилик ҳисобига ҳал этмоқда. Кучли егингарчиликлар у бошлиқ

Сухбатдош: Мирғиёс ҚАЮМОВ.

КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Бағдод туманидаги «Ҳамзаобод» жамоа хужалигида вилоят қишлоқ хужалиги мажмуи ҳодимларининг ғаллани тез ва сифатли уриб-йғиб олишга бағишланган семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳоқими Н. Муминов бошқарди.

Семинар иштирокчилари жорий йилда 92 минг гектар ерда мўл ҳосил етиштиришни кўздан ўтказди. Бу эса мавжуд 700 дан ортиқ урим комбайни ва 33 та «КЭЙС» агрегатларидан унумли фойдаланишнинг тақозо этиди. Урим-йғимда 1600 га яқин дон ташини машина ва прицеплардан фойдаланилади. Барча техниканинг бир меърада ишлатилиши таъминлаш мақсадида 52 та кўчма устaxonалар ташкил этилди.

Сўзга чиққанлар ҳосилини нобуд қилмай қисқа муддатда уриб-йғиб олиш учун далада ишлатилганларга зарур маданий-маиший шароит яратиш, деҳқоннинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш гоят катта аҳамиятга эга эканига эътиборни қаратди. Бу эса барча босқичдаги раҳбарлардан ишга юксак ташкилотчилик ва ташаббускорлик билан ёндашишни талаб этиди.

Машиналар мавсумга шай


Қашқадарё вилоят автотранспорт корхоналари бу йилги ғалла урим-йғими мавсумида донни оморларга ташини учун четдан транспорт воситалари жалб этмасликка қарор қилди. Шу мақсадда ҳозиргача 300 та автомашина ғаллакорларга ердამга шайланди. Қарши шаҳрининг бош майдонидан ана шу техника курувдан ўтказилди.

Тадбирда республика Бош вазирининг уринбосари А. Муҳиддинов, вилоят ҳоқими О. Пармонов қатнашди.

(ЎЗА).

Мамлакатимизнинг жўшқин ҳаёти

БУВАЙДА АРМУҒОНИ



Республиканинг машҳур пиллакори Олияхон Султоновнинг кўртларини тезкор усулларда боқиб тажрибасидан кенг фойдаланган Бувайда тумани пиллакорлари вилоятда иккинчи бўлиб меҳнат зафарига эришдилар. 4 минг қўти кўрт уруғининг 3772 қўтисидан режадаги 185 тонна ўрнига 219 тонна пилла топширилди. Давлат буюртмаси 118 фойза бажарилди. Ҳар қўтисидан 60-66 килограммдан пилла топширган «Дўстлик», «Оққўрғон», «Бувайда», «Шарк юлдузи», «Доимобод» жамоа хужаликлари умумий ютуққа катта ҳисса қўшилди.

Бувайда тумани машҳур пиллакорлар ватани. Бу ерда танқил пиллакорлар Мақсуда Собирова ҳар бир қўтидан 138 килограмм, Ибобат Нормирзаева 1,5 қўтидан 166 килограмм, Одина Тешабоева 1 қўтидан 165 килограмм, Мухаррам Жумабоева бир қўтидан 136 килограммдан пилла топшириб, халқнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлдилар.

Раҳимжон МЕЛИБОЕВ.

ЯНА БЕШ ТОННА

Пиллачилик — халқимиз азалдан меҳр қўйган, шарафли касблардан бири. Ипак етиштириш эли шойи-атласга буркаш, юрт чиройини, Ватан куч-қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшиш демакдир. Гулистон тумани кўмиш тола иждокдорлари бунга яхши тушунишди. Шунинг учун ҳам улар пиллачиликни йилдан-йилга ривожлантириш, давлатга мўл-қўл сифатли хомашё етказиб беришдек хайрли йўлда тинимсиз меҳнат қилдилар. Қилинган меҳнат зое кетмади. Сирдарё вилоятида

биринчи бўлиб давлат оморларига 60 тонна сифатли хом ашё етказиб берилди. Бу улкан хирмонга «Бобут» жамоа хужалиги 9 тонна, «Қизил тоғ» — 8 тонна, «Бешбулоқ» эса 6,5 тонна пилласи билан муносиб ҳисса қўшди. Туманда давлатга пилла топшириш давом этмоқда. Пиллакорлар имкониятларини ҳисобга олиб, етиштирилган ҳосилни бирор-мисқолини ҳам нобуд қилмай, ялли хирмонни 65 тоннага етказишга аҳд қилдилар.

О. ҒОҒУРОВ.

Вилоятда биринчи

Деҳқончиликда ҳамма юмушлар кетма-кет келди. Ариқ тозалаш, ер тайёрлаш, экиш, дастлабки ишлов. Мана шу тизим оралиқда яна бир масъулиятли жараён ҳам борки, ўзининг ўта тезкорлиги билан ҳаммани шошириб қўяди. Бу пилла мавсуми. Лекин ишнинг кўзини биладиган, тадбирларни расамдан билан қўллаган оладиган раҳбар шундай йўл тутадик, бир тармоқдаги фаолият иккинчи тармоқдаги юмушларга ҳалал етказмайди. Биз Янғиўлда мана шундай омилкорликнинг гувоҳи бўлдик. Туманда ипак қўрти парваринишга вилоятда биринчи бўлиб киришган эдилар.

Эрта бошланган иш эрта самара берди. Натияжада ҳосил ҳам барвақт етилди. Қуни кеч узнга хос кўтаринчилик ва алоҳида тадбиркорлик билан бошланган мавсум нихоёсига етиб, вилоятда биринчи бўлиб зафар кучилди. Янғиўлда 105 тонна сифатли пилла хомашёси етказиб бердилар. Эришилган ютуққа «Тинчилик», «Қовунчи», «Дўстлик», «Ниезбош» жамоа хужаликлари алоҳида барака киритдилар. «Тинчилик» жамоа хужалиги пиллакорлари ўзнга хос уюшқонлик кўрсатишди. Мазкур хужалик худудидаги 420 хонадон бу йил 365 қўти ипак қўрти парваринишди. М. Қорахон, А. Мансуров ҳам-

да М. Саримсоқова сингари тажрибали зарнуослар ҳар қўтидан 90-100 килограммдан пилла топшириб, зиммаларига олган режаларини ортинги билан уддаладилар. Хужалик режадаги 15,5 тонна ўрнига 16 тоннадан ошириб ҳосил тайёрлади.

Туман бош пиллаxonаси мавсум давомидида узлуксиз иш соатини жорий этди. Бу ерга келтирилган пилла ҳосилини пешма-пеш қабул қилиб олиш йўлга қўйилди. Пиллакорларга маиший, маданий ва умумий овқатланиш хизмати мунтазам кўрсатиб борилди.

Иброҳим ТОШЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

1997 — Инсон манфаатлари йили

ХАР ЮРАКДА ЭЗГУЛИК

Исмат РАШИДОВ. Қўработ туманидаги Оқил Қодиров номидаги хўжалик бригадари:



— Бизнинг Оқтоғ этаклари кета-кетгучи кишлоқлар сиз-силасидан иборат. Номин олмасу айқинларга маълум — Қўработ кишлоқини шулардан бири. Кишлоқларимизда меҳр-оқибатли, диниётли ва меҳнатидан кут-баракат топаётган оғилар яшайди. Биз, фарзандлар шундан хурсандмизки, паларибуржукори-миз Зариф Рашидовни шу музофотдаги каттадан-кичик — ҳамма хўработ қилади, тўйларда ва маъракаларда иззат-икромини жойига қўйишади. У киши ҳозир 70 ёшда. Омакониюзи Масар Рашидова ҳам бардам, тетик. Хар иккиси катта хонадонимизнинг эъзоли кишилари. Биз, 7 нафар фарзандларини ерга, одамларга ва барча эзу ишларга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялади.

Отамиз ўзининг ҳалёт меҳнати тўғрисида эъломининг иззат-икромини қозонган. 42 йил узлуksиз техника жилловини бошқарган. «ДТ-54» тракторини ҳайдаган, комбайнни бошқарган. Сақсонинчи йилларнинг бошларида нуфузли анжуманларнинг иштирокисини сифатида юксак минобарлардан туриб, ўзининг катта меҳнатидаги фахрлиги сузулар айтинч насиб этган. Ота дуоси — олтин, эжан... Мен буни ўз ҳаётимда синов куриб, ифтикор тўғрисида ила айтайман.

Ропта-ропта 12 йилдан бери галлачилик бригадириман. Жами 250 гектар экин майдонимиз бор. Шунинг 195 гектарига буттур кузда галла экканмиз. Лалмикор ерларда деҳқончилик қилишини ўзига хоc томони шундаки, ҳосил баракаси куп жихатдан об-даво билан ҳам боғлиқ. Бултур, хабарингиз бор, баҳорда ёғин-сочин ҳам бўлди. Ерга экин ривожига ва мул-кул ҳосил тулаш учун етарли миқдорда нам тушганимиз. Лекин сабр-қаноатли халқимиз муаммолар олдида асло эсанкираб қолишгани йўқ.

Бу йилги деҳқончиликнинг баракаси ҳамма ёққа сеп ёйган. Жумладан, бизнинг галлазорларимиздаги гулж-гулж бошоқлар кузни қувнатди, дилини яйратди. Йилнинг яхши келди. Демак, лалмикор ерларда бу йил қанун-тарвуз ҳам, нухату бошқа деҳқончилик экинлари ҳам насибамизга насоба кушади. Биз шундай шивт қилиб турибмиз.

Техника — деҳқонга қанот. Ойламининг шахсий «Т-25» трактори бир ум тухтаб ҳола, ишимиздан унум қочини, деҳқончилик амуслари қалашиб қолиши табиий. Шунинг учун мажбур техникамизни кўз қорачиқдек авайлаб-асрашга, уларнинг унумли ишлашини таъминлашга оидатланганмиз. Хўжалигимизнинг «ДТ-75» трактори ерларни шудорларидан тортиб, майдонларини экинга тайёрлашга ва бошқа галлай ишларда оғиримизни енгил қилаётти. Хар қандай техниканинг деҳқончиликнинг хар бир фаслида ўз урни бор. Яқинда галла уриш комбайнини — «Енисей»-ни яна бир бор жийди техник куриқдан уткалиб қўйдик. Галла ишииб, урим бошлангач, ҳосилини энг кўзи билан 20 ин кунда саранжомлаб олишга қарор қилганмиз.

Рўзгорининг обод ва тукислиги меҳнат билан. Пешонадан маржон-маржон тер туканган-она заманимиз кут-баракат дастурхонини елади. Умр йўлдоним Нурихон, уч угли ва икки қиз — 5 нафар фарзандларим — ҳуллас, ҳамма-хаммаси оила шамонини устувор айлаш учун яхши ниятлар билан деҳқончиликка барака тилаялганмиз. Зеро, пилаларда эзгулик бор!

ШИЖОАТ КАЙФИЯТГА БОҒЛИҚ

Неъмат НАЗАРОВ.

Иштихон туманидаги Мурод Жўраев номидаги деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмасининг бригадари:



— 1996 йил биз учун гоат баракали келганди. Жамма аъзоларимиз билан фидокорона меҳнат қилиб, ҳосилдорликни қарийб 52 центнерга етказдик. 1995 йилда эса хар гектар ердан 47,8 центнердан «оқ олтин» йилги олиб, йилдик пахта тайёрлаш режасини ошириб ола эган-дди. Демак, йилдан-йилга ҳосилдорлик ошяпти.

Деҳқон қувоничига қувонч қушмаса, номи эл орасида эъзозлана, меҳнати қадрлана — қандай яхши! Хулоса шукур, ҳаётимнинг фахрласи арийдиган лажзалари куд. 1995 — деҳқончилик йилининг натижалари буйича туман ҳокимлиги томонидан замонавий телевизор — видео иккитлиги билан мукофотландим. Утган — 1996 йилнинг сардобиюси эса мендек оидий бир деҳқон оиласига яна омад келтирди. Қарангки, ўзимнинг Асавада чиқадиган «ТИКО» автомашинаси билан тажрибландим. Бизнинг Мурод Жўраев номидаги деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмаси мукофот машинаси учун 390 миңг сум пул ажратди. Барака тоштур раисимиз Абдимўмин Жўраев яқинда нима дейди, денг:

«ТИКО» — мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи қалдиргуч машинаси. Яшанг! Қалдиргучдай қанот боғлаб... олис манзилнингизни яқин қилайсиз. Энди сизлек долдор бригадирга «Нексия»ми, «Дамас»ми — совга қилиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Иш қилиб, жаммаонгиз аъзолари меҳнатига Аллоҳ барака берсин! Ахир, сиз катта-катта мукофотларга муносиб деҳқонсиз...»

Мана, кўринганими?! Ғайрат ҳам, шижоат ҳам, хар қалай, кайфиятга боғлиқ-да!

Ха, биз ана шундай аъло кайфият билан меҳнат қилганмиз. Бу йил 64 гектар пахта майдонимизга беш кунда барака уруғи қалаб бўлдик. Бу майдонларнинг 50 гектарига оидий ва 14 гектарига Андижон усулида пленка остига чигит эдик. Пахтакорлар учун энг масъулиятли мавсумда жаммаонинг хар бир аъзоси бир тан-бир жон бўлиб меҳнат қилишти.

Меҳнаткоримиз Тоштемир Исмоиловни, аъзоларимиз — Дағар Мухаммадиев, Темир Уринбоев, Акмал Ботиров, Салим Омонов, Худойшукор Санаевларни қайта-қайта тилга олсак арийди. Ҳамма-хаммаси, илоҳ, меҳнатидан ва умридан барака топишини. Салтанат Уринбоева, Гулмира Маматова, Мухайе Бердирасулова каби фидокорларимиз ҳам борки, улар деҳқончиликнинг хар бир йомушида фаол, ғайратли ва талбиркор. Бизнинг бригадамиз доврўтига доврўқ кушаётганлар — ана шулар!

Ҳозирги кунларда пахта пайкалларимизда гуза ниҳоллар барқ уриб ривожланыпти. Биринчи ишловни сифатли уткадик. Шу билан бирга экинларни озқиндириб, суторишини ҳам намунали йўлда қўйганмиз. Хуллас, деҳқоннинг меҳнати ниятига яраша бўлмоғи лозим. Далаларимизда пахтакорларимиз 50 центнерлик марра учун курашини қизинг давом эттиришяпти. Шунингдек 63 гектар ердаги галламиз ҳам, насиб этса, ризикимизни тагин ҳам бутун айлайди. Бригадиримизнинг Исматжон Назаров, Абдумали Сиддиқов каби фаоллари ҳам бутунги кунда галлазорларимиз ва бошқа экинзорларимиздаги ҳосил тақдирини учун масъул. Жаммаонимизда ана шундай аҳиллик ютуқларимизга оидий йўл очяпти.

МЕҲНАТНИНГ РОҲАТИ КЎП

Ҳалил НОСИРОВ,

Тошкент туманидаги Турғун Мирзаев номидаги хўжалик бригадари:

— Мустақил юртимиз — Ўзбекистон заминининг баҳоси йўқ. Тупроғи — зар, хар томчи суви — гаваҳ. Халқимизни туйинтиридан ҳам, кийинтиридан ҳам — шу она замин. Фақат уни эъзозлаган, хар қаричидан унумли фойдаланган, тупроқ тафтига қалб меҳрини ва тафтини қўшиб меҳнат қилган кишигина ўз рўзгорини ҳам, элу юрт дастурхонини ҳам кун-бараката буркайди. Рости, шунча ешга қириб, эндиликда тиру бадавлат оксоқоллар муносиб урин олаётган мендек бир деҳқон умрим давомида ҳеч кимса ердан зорланганини асло эслай олмаман. Билмак, уни табаррук билиб — қайта ва қайта таваф айланганини куп бор кузатганман, шундай беназир заманимиз тупроғининг хар заррасини кузига тугте айлаган кўтулг лажзаларининг шоҳиди бўлганман.



Хўш, буларни тилга олишданмак мақсад нима? Мақсад шулки, ҳикматга мойил гапни ҳамма кунгилнинг тул-тубиди сақлаган ҳолда заминнинг зарғари — бободехқонни удулгаш учун имкониятлар яратиб берган мустақилликимиз шароитини яна бир бор қайд этишдир.

Бригадиримизнинг 24 гектар экин майдони бор. Шунинг 14 гектари галла, 4 гектар майдондагисини бизнинг оидамиз пасарруфиди. Аброр Расулов, Музаффар Хусанов ва бошқа оидавий пулратчиларга ҳам кампада 2-3 гектардан галла майдони бўлиб беришган. Ҳозир бутдой бошоқлари дуркун-дуркун тулишиб, аста-секин етла бошлаган. Ҳалемай, галлазорларимизга уроқ тушади. Насиб этса, ҳосилдорлик 40 центнердан ошади, деб ниятни бутун қилиб турибмиз.

Бригадиримиз сарқори Тўйчи Исмоилов асир деҳқон фарзанди. Биз, оидавий пулратчиларга ҳаммиша хайрихоҳ, хар томонлама қувонгани ҳам, маслаҳат ва йўл-йўриқларини ҳам аймайди. Хўжалиқнинг еш ва талбиркор раҳбари Хайрулла Мирзаевдан ҳам биз, деҳқонлар беҳад мамунимиз. Хуллас, аҳиллик билан тер тукиб, кам бўлмаймиз.

Ортимизда ишчиқиллик дастурхон эса бошлаганига, хар қалай, анча бўлди. Биз лепнона тер тукиб, эгизларга етиштирган езининг илк неъмат — кулунли бозор пештакчаларини тулдирди. Элимизнинг тую тантана дастурхонларини беэлади. Бир гектар ерга — пленка остига экилган қарам қучатлари ҳосил тутиб, пайкалларимиз кундан-кунга кузни япнатиб, дилини қувнатди. Қарам ҳосилини ҳам уюшқоқлик билан йилги, элимиз дастурхонига тортиқ етляймиз. Ҳосил мул, кунгил тук. Йил бошдаёқ шартнома буйича уша бир гектар ердан 25 тонна қарам ҳосили узиб тошпиринини ахлатишиб олган эдик.

Ишпоалоқ, даламизда картошка ҳам, саби ҳам ва ҳатто бултур қалампирчица — ҳаммасидан бор. Шу кунларда Суннат Жўраев, Муҳаммад Гофурова, Тухтагул Расулова сингари оидавий пулрат асосида иш юриятган пешкадалар аввало ўз рўзгорлари тукислиги, қолаверса, элимиз ризқ-насибасининг мулдири учун астойдил тер тукишяпти. Меҳнатнинг эса тагин роҳат, азизлар!!!

Абдулла ТУРДИЕВ, «Кишлоқ ҳаёти» мухбири.



Касби туманидаги Ҳамза Хўжакулов номидаги жамма ширкат «Хўжалик» асосий тармоқлардан ҳисобланади. Хўжалик бошқаруви, чорвадорлар соҳага алоҳида эътибор бериб, маҳсулдорликни қўлайтириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Айна пайтда мавжуд 280 бош соғин сиғирнинг хар биридан 10 килограмдан сержимоқ сўт соғиб олинмоқда. Жаммаонинг юқори кўрсаткичларга эришишда соғувчиларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Мухайе Ҳайитова улардан бири. У эш бўлса-да, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. Суратда: тажрибали соғувчи Мухайе Ҳайитова.

Ш. ШАРИПОВ олган сурат (УЗА).

Насия билан иш битмайди

Элликқалъа туманида чорвачилик асосий тармоқлардан ҳисобланади. Соҳада иқтисодий ислоҳотлар изчил жорий қилинаётганини тўғрйли маҳсулдорлик оидиб, йилдан-йилга гушт, сўт етиштириш қўлайиб бормоқда. Бу ерда имкони борича маҳсулотларни қайта ишлашга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Бунда табиийки, мулк шаклини узгартирган фермаларнинг раҳбарлари, мутахассислари ва жамма аъзоларининг ҳиссаси катта. Туман ҳокимлиги иш юритиш усулидан қатъий назар, мавжуд барча фермалардаги ишни ўз назорати оидиб, Ҳар ун кунда туман раҳбарлари тармоқдаги бир хўжаликка бориб, у ердаги аҳвол билан батафсил танишяпти. Ютуқлар баҳолашиб, мавжуд муаммоларни ечшига ердан беришяпти.

«Тоза Амиробод» ширкатлар уюшмасида «Оқ йўл» жамма чорвадорлар жамияти утган йилни юқори натижалар билан якунлади. Хар бир соғин сиғирдан 3100 килограмдан сўт соғиб олинди. Бултурги озука захиралари тугаб, жорий йилги еш-хашак йиғиштириб олиш бошланган шу кунларда ҳам чорвадорлар хар бир гоммишдан сержимоқ сўт соғиб олмоқдалар. Ҳозир жаммаода 500 бош қорамол парвартиш қилиняпти. Жорий йилнинг шу давридаги давлатга маҳсулот сотишни утган йилнинг шу муҳлати билан таққосласак, деярли фарқ йўқ. Моллар бош соғида ҳам уеиш кузга ташланапти.

Хўш, курсаткичлар юқори, маҳсулдорлик ҳам оидиб бораётган экан, жамма чорвадорлар жамияти утган йилни қанча даромад билан якунлади, деган табиий савол туғилади. Минг афсуски, бу борада улар мақтанишпомайди. Йил бор-йўғи 50 миңг сум соф фойда билан якунланди. Табиийки, 500 бош қорамол парвартиш қилинаётган йилги жамият учун бу маблаг ниҳоятда оз. Масаланинг асл сабаблари билан қизикганимизда шу нарса маълум бўлдики, ишлаб чиқариладиган сутнинг харид нархи ниҳоятда паст. Унинг бир килограмми 12 сумдан қабул қилинапти. Ваҳоланки, бир килограмм сутни етиштириш таннархи 17-18 сумга бориб етляпти. Устига-устак тошпирилган маҳсулотга пул тулаш 4-5 ойлаб қўзилиб кетмоқда.

Жамият сутни «Нукуссут» хиссалдорлик жамиятининг Тўртқулдаги сут қабул қилиш пунктига тошпирди. Томонларнинг узару тузган шартномасида тошпирилган маҳсулот харид нархининг олдиндан 25 фоиз миқдориди пулини тулаш курсатилиши. Лекин сутни қайта ишлаш корхонаси бунга мутлақо амал қилмайпти. Ахир «Нукуссут» хиссалдорлик жамиятининг жамма чорвадорлар жамиятига жорий йилнинг бошидан буен бирон тийин ҳам туламастганини қандай баҳолаш мумкин? Қайта ишлаш корхонаси эса фермадан хар куни 750-800 килограмм сутни қабул қилиб олмақда. Шу йилнинг 17 майгача бўлган маълумотларга қура, қайта ишлаш корхонаси фермадан 400 миңг сум қарз.

Пулни олиш учун чорвачилик жамияти ҳисобисини Нукус шаҳрида жойлашган «Нукуссут» жамиятига хар тал бориб-келиши билан 300 километр йўл босиб, беш марта бориб келди. Лекин натижа бўлмайпти.

Чорвадорлар сутни фермадан 15 километр узоқликда жойлашган Тўртқулдаги сут қабул қилиш пунктига олиб бориб тошпиряпти. Кунига икки марта, яъни эрталаб ва кечқурун сўт олиб борилади. Демак, хар куни икки марта бориб-келишини ҳисобга олиб, бир кунда 60 километр йўл босилади. Лекин сутни олиб бортган чорвадорларга сарф бўлган енилик, техниканинг амортизацияси учун сарфланган маблагнинг 10 фоизи ҳам туланмайпти. Ваҳоланки, ҳукуматнинг қайта ишлаш корхоналари ҳам ашени жойидан узларининг ҳисобига олиб кетип тўртқулдаги қарорни мавжуд. Шу билан бирга бу икки томонлама тузилган шартномалар ҳам қурсатилган. Лекин минг афсуски, унга амал қилинмайпти.

Худди шундай аҳволни тумандаги «Бустон» фермерлар уюшмасининг «Чапма» чорвачиликка ихтисослашган хиссалдорлик жамияти мисолида ҳам куриш мумкин. Жамиятда маҳсулот ишлаб чиқариш, уни давлатга сотишда ижобий узгаришлар юз бермоқда. Лекин утган йили олинган соф даромад ниҳоятда оз бўлди. Бу ерда ҳам тошпирилган маҳсулотга жорий йилнинг январидан буен бирон

Шартнома шартини ва хўжалик ҳуқуқини

тийин ҳам туланган йўқ. 17 майдаги маълумотларга қура, «Нукуссут» хиссалдорлик жамиятидан олингани лозим бўлган маблаг 104 миңг сумни ташкил қилади. Сутни Тўртқулдаги пунктига олиб бориб беришда бу ерда ҳам худди юқоридаги аҳвол юз беришти.

Биз Эликқалъа туманидаги чорвачиликка ихтисослашган иккита жамиятнинг аҳволини қўздан кечирдик, холос. Агар уларга сутнинг ташари даражасидан бироз ортиқ пул тулсан, тошпирилган маҳсулот учун вақтида маблаг берилса, курсаткичлар янада яхши бўлган, жаммаолар йилни мумай фойда билан якунларди. Энг асосийси, аҳолининг дастурхониди гушт, сўт ва чорвачилик маҳсулотлари қўлайган, улар бозор ва дуконларда арзон бўларди. Қоракалпоғистонда чорвадорнинг меҳнати қачон қалр топади, қачон улар ўз меҳнатига яраша ҳақ олишяпти, деган ҳақли савол туғилади. Бизилар ушбу муаммолардан Қоракалпоғистон Республикаси раҳбарлари, хусусан Вазирлар Кенгаши беҳабар бўлса керак, деб уйлаш мумкин. Аксинча, ушбу нуфузли идораларга масалани ечши лозим бўлган обрўли мутасаддилар бу аҳволни яхши билишяпти. Бундай вазият республикада қатор йиллардан бери давом этиб келмоқда. Чорвадорлар ушбу масалалар юзасидан Вазирлар Кенгашига бир неча бор мурожаат ҳам қилишган. Лекин улар нимагадир бирон-бир талбир қуришга шопилишмайпти. Республика Вазирлар Кенгаши муаммони ечишни хоҳламаётган экан, ушбу уни қим ҳал этилди? Балки Қоракалпоғистон Республикаси Жўргори Кенгеси ердан қурсатар...

Х. КАРИМОВ, «Кишлоқ ҳаёти» маҳсул мухбири. Қоракалпоғистон Республикаси.

БАРАВЖ НИҲОЛЛАР

Жорий йилда Қосонсой туманидаги «Қўқумбой» жамма хўжалиги аъзолари хар гектар ердан 35 центнердан пахта етиштирини режалантиришган. 1100 гектар майдонининг 400 гектарига чигит пленка остига экилди. Далаларда кундан кунга қуқка буй чузаётган баравж ниҳоллар эрта баҳордан қилинаётган меҳнат самараси, албатта.

— Утган йилги режани уддалай олмай қолиб, юзимиз шувўт бўлган — дейди хўжалик раҳбари Абдурауф Малдиев. — Бу йил қоқоқликка барҳам берилади. Жорий йилда мулжалдаги ҳосил етиштирилишига ишонамиз.

Хўжалик далаларида қучатлар булгинига эришиш учун оммавий сафарбарлик билан тер тукиляпти. Маҳмуджон Саидахмедов, Хабибулло Обидов, Абдумутал Мансуров, Рустамжон Маматовлар бошлиқ бригадаларда биринчи ишловни янаҳосига етди. Бош агроном Гофуржон Абдуллаев янгалаш охирдаётганини, вақти-вақти билан бўлаётган егингарчиликлардан сўнг очик майдонларда пайдо бўлаётган қатқалоқни 10 та мослама билан юмшатилаётганини айтди. Толбжон Қирғизов, Зокиржон Эгамбердиев каби механизаторлар парваршишга ғайрат курсатяптилар.

Хабибулло Обидов бошлиқ бригада далаларини айланиб мамун бўлди. Пленка остига экилган гузалар бир гектардан тақсимлангани одамларга маълум бўлди. Исомхон Исмолов, Тураҳужа Ҳамроев, Холмирза Камолов каби пулратчилар тасарруфиди пайкаллардаги ниҳоллар дуркун ривожланыпти.

А. КОРАБОВ, «Кишлоқ ҳаёти» мухбири.

Яккабоғ туманидаги 19 мактаб қошида кичик корхона очилди. Уни меҳнат таътилига чиққан собиқ ўқитувчи Нусрат Валиев ташкил қилди.

Айни кунларда бу кичик корхонада уй-рўзгор буюмлари, кўргаз-

МАКТАБДА КИЧИК КОРХОНА

мали ўқув қуроллари ишлаб чиқарилмоқда. Бошқача қилиб айтганда корхонада мактаб ўқувчилари

ри кучи билан турли харидорбон буюмлар тайёрланмоқда. Ишлаб чиқаришдан топилаётган даромад эса мактаб эҳтиёжи учун ишлатилмоқда, аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадларига харажат қилинмоқда.

Н. ДУШАЕВ, УЗА мухбири.

ТўЛОВ ИНТИЗОМИ ҚАТЪИЙ

Халқ хўжалигида иқтисодиётнинг ривожланиши узаро ҳисоб-китобларнинг уз вақтида амалга оширилишига боғлиқ. Чунки қайси бир ташкилот, хўжалик еки корхона ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш шартномасида эга бўла туриб, пулини ўз вақтида тулашга оидий олмас экан, унинг айланма маблагли бўлмайди. Оқибатда бу хўжалик еки корхона яна мажбур ишлаб чиқариш учун қизилдириш қарз олади. Натижада дебиторлик ва кредиторлик қарзлари пайдо бўлади ва хўжалик ривожланиш урнига углиб қолади. Бир сўз билан айтганда, тўлов интизими бўлган жойда хўжалик иқтисодиёти барқарорлашади. Республикамиз раҳбарини ана шу кредиторлик ва дебиторлик қарзларининг илжои борича кам бўлишни таъминлаш мақсадида кейинги йилларда бир қанча Фармон ва Қарорлар қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигининг ҳисоб-китоблар уз вақтида уткалишини учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борадиган чора-тадбирлар тўғрисида» 1995 йил 15 май ва «Тўлов интизоми ва узаро ҳисоб-китоблар тизимини му-

таҳқимлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 24 январь Фармонлари шулар жумласидандир. Хўш, шундай экан, жойларда бу фармонларни ҳаётга талдик этиш борадиган нима ишлар қилинмоқда? Биз ана шунин билан мақсадли «Пахта-банк»нинг Бухоро вилояти бўлимасини ҳудудларининг иши билан яқиндан танишдик.

— Ҳозирги кунда «Пахта-банк»нинг вилоят шохобчаси буйича 2 миң 622 та миқозларга хизмат курсатилиб келинмоқда, — дейди биз билан сўхташда унинг бошлиғи Валерий Холов. — Уларнинг асосий қисмини кишлоқ хўжалигига банд бўлган жамма хўжалиқлари ҳамда корхона ва ташкилотлар ташкил қилади. Кейинги пайларда Президентимизнинг юқоридаги фармонларини бажариш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Натижада шу йил биринчи чоратининг ушбу узаро ҳисоб-китоблар натижасида юзга келган 2 миң 800 миң доллар қарзларни қарзларига қайтариш қарарлари қабул қилинди. Кишлоқ хўжалигида бу курсаткич чорак давомида 552 миң доллар сумдан зиёд дебиторлик, 770 миң доллар сумдан оидий кредиторлик қарзларини тикки қилди. Айни чоғда банк бўлими хисоблари томонидан муттазам равишда хўжалик оидийлариди ҳисоб юритиш ва ҳисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг аҳвали масалалари юзасидан текширишлар олиб боришмоқда. Уларнинг асо-

Бундай камчиликларга йўл қўйган хўжалиқлар ҳақиди маълумотларнинг 88 таси солиқ инспекциясига, 41 таси прокуратура органидаги чора куриш учун юборилди. Шундан битта хўжалик буйича жорий иш кузгитилган бўлиб, 16 хўжалик буйича жарима солиш чораси қўлданилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1997 йил 15 январда корхоналар, ташкилотлар йиллик ва чоралик молиявий ҳисоботларининг янги шакллари ва ҳажмлари ҳамда 1997 йил 3 мартда корхоналар ва ташкилотларнинг ички идоравий дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қайд этиш тартиби тасдиқланганини мунсавбатига билан миқозлар ўртасида «Банк ҳисоби шартномаси»га бир қанча узгаришлар киргизилди. Жумладан, бунда хўжалик органи хар ойнинг олтинчи кунда ички

лоялиқдир. Бунинг юқоридаги миқозларда ҳам курс бўлади. Банк бўлими хисоблари вилоятда талбиркорликни ривожлантириш буйича ҳам анча юмушларни бажармоқда. Бу эса ўз вақтида интиланган йилда қилдириш турларини қўлайлига олиб келмоқда. Мисол учун ҳозирги кунда банк томонидан 150 та миқозга ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида 437 миң доллар сум қиссалик кредит қўйилмавлар берилди. Шундан 348 миң доллар 425 миң сум қиссалик хўжалик, 4 миң доллар 526 миң сум қурилиш ташкилотларига, 32 миң доллар 909 миң сум савдо ва озиқ-овқат корхоналарига, 8 миң доллар 308 миң сум моддий-техника таъминоти учун, 42 миң доллар 857 миң сум бошқа корхона ва ташкилотларига ажратилди. Беришган кредит қўйилмавларининг 80 фоизига яқини кишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида ажратилган.

Банк ҳисоблари хўжалиқларнинг 1997 йили ҳосили учун маблаг тушириб беришда ҳам узлини бўлмаслигини таъминламоқдалар. Фулом ЮСУПОВ, «Кишлоқ ҳаёти» мухбири.

ҚУЁШ БОТМАЙДИГАН ЮРТ



Етти иқлимдан ташриф буюрган кино арбобларнинг баҳслари серкуёш Ўзбекистон ҳудудида етти кечаю-кундуз давом этди. Ниҳоятда қизгин ва сербаракка ўтган кинобайрам якунланди. Намойиш этилган кинотасмалар томошабинлар ички оламини ва маънавиятини янада бойитди. Ёш мустақил мамлакатимиз хоржий давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликларга тайёр эканлигини амалда яна бир бор исбот қилди. «Ўзбекистон — шарқнинг Швейцарияси», «Самарқанд — шарқнинг Рими» деган тахсилларга сазовор бўлди. Киноанжуман нуфузи нақадар юксаклигини Президентимиз Ислам Каримов ва ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорини XII Тошкент Халқаро кинофестивал қатнашчиларига йўлаган табрикларни яққол кўрсатиб турибди. Бу Халқаро байрам дунё халқлари ўртасида тинчлик, ҳамжihatлик ва дўстликни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Мамлакатимизга ташриф буюрган экран усталари олий ўқув юрталарида, корхона, заводу фабрикаларда, маҳаллаларда бўлиши. Кинотеатрлар, музейлар, концерт заллари ва томошахоналарда бўлиб ўтган дўстона учрашувлар азиз ва қадрили меҳмонларни хушнуд қилади.

Жонажон Ўзбекистон кино оламида янги номлар пайдо бўлди. «Марказий Осиёнинг бешиги» тинчликпарвар шаҳар — Тошкент янги жаҳон киноси юлдузларини кашф этди. Ҳис-ҳаяжон, шодлик юракларга тисмаган шу шукҳули кўзлари муҳбиримиз машҳур кинорежиссёрлар ва актёрлар билан мулоқотда бўлди. Қўйида уларнинг айримларини муштарийлар ҳужмига ҳавола қилаялик.

Атиф САЛИМ,
кинорежиссёр (Миср)

— Тошкентда илк бор бўлишим. Бироқ бу кинофестивал ҳақида кўп эшитганман. Киноанжуманга Миср Араб Республикаси 2 та кинотасма тақдим қилди. Улар «Асал уйқусида» ва «Оҳ, дунё, оҳ, ишқ» деб номланган. Биринчи кинотасмам 1953 йилда олинган. Шундан бери 45 йил ўтди. Бу даврда 52 та кинотасма суратга туширдим. Мени «Қора қоллон» ва «Мени гуноҳкор қилинганлар» фильмларим дунёга машҳур қилди. Голливудда яшашдан 65 ёшли арабистонлик кино юлдузи Омар Шариф ҳақида 5 та кинотасма яратдим. Венеция ва Ҳиндистон киноанжуманларида бир неча бор қатнашганман. Кинофильмларимизнинг муносивлари кўп. Ушбу йил ҳам Миср киноси учун муваффақиятли утаётим. Кант кинофестивалида режиссёр Юсуф Шохнинг «Тақдир» деган фильми «Олтин хурмоча» шоҳчасига сазовор бўлган. Шаҳринингизнинг гузалиги, халқинингизнинг меҳмондўстлиги, иззат-ҳурматини кўриб чин дилдан хурсанд бўлдим. Айниқса, Самарқанд сафаридан кейин мамлакатингиз турисидидаги фикрларим янада бойиди. Юртингизга мисрлик киножурналист Айрис Назми билан

бирга келдим. Бағри кенг одамлар юрти — Ўзбекистон ҳақида бой таассуротларга эга бўлиб, она-Ватанимга қайтаётганим.

Ся МЕЙЮАНЬ,
актриса (Хитой)

— Мен суратга тушган «Қизил гаолан» фильми XI Тошкент кинофестивалида намойиш қилинган. Баъзи бир сабабларга кўра халқаро анжуманга кела олмаган эдим. Бутун ўзбек томошабини билан юзма-юз учрашиб турганимдан гоҳида шодман. «Тунтинган меҳри қиз» да биринчи бор суратга тушдим. У мени киносевар Хитойга машҳур қилди. Шундан сунг «Джонжуминг» фильми пайдо бўлди. Хар иккала фильмда ҳам энг яхши аёл роли учун бериладиган совринни олишга мушарраф бўлдим. Сунгги яратган «Елгиз дарак» фильмида кўп сонли мамлакатимиз томошабинлари катта баҳо берди. Шу фильм фестивал жюри ҳайъати ҳужмига ҳавола қилинган.

Инсоннинг юз-қўзидан кўп нарсани англаш мумкин. Мен биринчи учрашувданок, маданиятли, одобли, меҳроқибатли одамларга рубару келганимни сездим. Меҳроқибат энг ноёб, энг нурилу туйғу. У бор жойда қадр-қиммат ва иймон-эътиқод устувор. Кўп мамлакатларда бўлдим. АҚШ кино ижодкорлари билан ҳамкорликда фильмларда сурат-

га тушдим. Лекин Ўзбекистон қандайдир бошқача экан. Меҳроқибат, хайру саховат офтоби ботмайдиган юртни биринчи кўришим.

Беҳзод МУҲАММАДКАРИМОВ,
актёр (Ўзбекистон)

— Илгари ҳам кинофестивалларда қатнашганман. Аммо бугалиги узагча утаяпти. Шаҳсан каминга учун ҳам фахрли. Чунки бош ролни Бутун ўзбек томошабини «Буюк Амир Темур» ҳам танловдан утаяпти.

Шу фильмда бош роль ижроси учун 16 нафар актёр синовдан утган экан. Амир Темур тугилган кун эди. Томоша қилиш учун суратга олиш майдончасига бориб қолдим. Режиссёр Исамат Эргашев мени кўриб хурсанд бўлиб кетди. Кейин синовдан утказиб, ролни уйнай олишимга ишонч билдиришди. Хуллас, Амир Темур руҳи шунда мени қўллаб юборди, чамаси. Толемидан хурсандман. Хозиргача 13 та фильмда суратга тушдим. Бир пайтлар инглиз ва француз тилларини астойдил ўрганиб олган эдим. Чет тилларини билишим менга кўп кинорежиссёрлар, актёрлар ва киношўнслар билан бемалол мулоқот қилишимда асқотди. Тошкент Халқаро кинофестивалида қўллаб дўстлар ортирдим.

Сухбатдош:
Давлатмурод САБДУЛЛАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Инсон дунёда меҳнатнинг роҳатини кўриб, беками кўст, соғ-саломат кун кечириб, болаларини баркамол вояга етказиб, авлодлар давомийлигини таъминлаш орзусида яшайди. Наманган туманининг «Олти қаҳрамон» жанова ҳўжалиги меҳнатқашлари ана шу ҳақиқатни ҳаётларининг мезони деб билишади. Далада сиддиқил ишлагандан сунг, соя-салқин дала шийпонларини, шарқона услубда қурилган чойхоналарда мириқиб дам олишади. Бунинг учун ҳўжалиқда барча шаронитлар яратилган.

СУРАТДА: 1. Уста ошпаз А. Мирзаев. 2. Оталар чойхонасининг умумий кўрinishи. Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

МУШТАРАК ФИКРЛАР

Чингиз АЙТМАТОВ,
XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг жори ҳайъати раиси (Қирғизистон).

— Тошкент кинофестивали орқали биз узимиздаги бўшлиқни тулдиримиз. Жаҳон киносида уз урнимизни тошмоғимиз даркор.

Темур Малик ЮНУСОВ,
XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг Бош директори (Ўзбекистон)

— Шубҳасиз киномаатографчиларимиз учун ушбу кино анжумани зур ижодий омил бўлиб қолади. Жаҳон таърибасига мувожаат қилиш киномаатографчиларимизнинг маданиятимизга самарали таъсир курсатади.

Минеско ОКАМОТО,
кинорежиссёр,
киносценарийчи (Япония)

— Тошкентда илк бор бўлишим. Кинофестивалга «Шамол тинганда», «Шарқ Фарб билан учрашди» ва «Тубсиз денгиз» фильмларини олиб келганимиз. Юртингиз менда ва ҳамроҳларимда зур қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон турпогига қадим куйишим билан дўстлар уйда эканлигини ҳис қилдик. Ҳали насиб этса Тошкентга кўп келаман.

Умеш МЕХРА,
кинорежиссёр (Ҳиндистон)

— Мен деярли ҳар йили Тошкентга келиш шарофига муяссар бўлман. Хар сафар шаҳарда рўй бераётган бунёдкорликларни кўриб ҳайратга тушман. Самарқанд эса халқингиз тарихининг букюклигидан гувоҳлик берувчи ноёб далалик экан.

Сайрам ИСАЕВА,
актриса (Тожикистон)

— Тошкент мен учун ниҳоятда азиз. У меннинг ҳаётимда алоҳида урин тугади. Айнан шу шаҳардаги олий ўқув юртида таҳсил кўриб, кинода суратга тушишим бошлаганман. Хар гап келганда ҳаяжонланаман, хурсанд бўлганимдан бошим осмонга етади.

Жанранко МИНГОЦЦИ,
кинорежиссёр (Италия)

— Қўлдан Ўзбекистонга келишни орзу қилар эдим. Ниҳоят, орузим ушалди, бутун мана, жаннатмакон гузал шаҳрингиздаман. Уз меҳнат фаолиятим даврида 35 та ҳужжатли фильм олганман. Улардан бири Венецияда «Олтин шер» мукофотида сазовор бўлган. Менга Тошкент фестивали катта илҳом бағишлади.



СУРАТДА: кино юлдузлар билан муҳлислар учрашуви. С. ЗУФАРОВ, Р. ШАГАЕВ олган сурат.

Бангладешда бу актрисани танимайдиган одами топиш қийин. Унинг сиймоси, ажиб табассуми бизнинг киномуҳлисларимизга ҳам яхши таниш.

Бабитта ажойиб кинороллари, қўшиқлари, рақслари, узига хос истеъдоди туйфайли қўсонли томошабинлар меҳрига сазовор бўлган.

Бангладеш киносининг асосчиларидан бири бўлмиш Сучандра Райхон Бабиттанинг туғилган ораси эди. Бу эса унинг кейинги ҳаёт йулини белгилади. 1968 йилдан ун уч ешли Бабитта режиссёр Зоҳир Райхон суратга олган «Сансар» фильмида унинг илк ролини ижро этди. Ушандан бери Бабитта Фарида Ахтарнинг ҳаёти кино билан чамбарчас боғлиқ.

3. Райхон суратга ола бошлаган ва унинг вафотидан сунг режиссёр Аламгир Кабир тугаллаган «Яшасин, зие!» фильмидаги роли актрисага катта муваффақият келтирди. Фақатгина бенгал тилида эмас, балки инглиз тилида ҳам намойиш қилинган бу фильм Бабитта номини чет эл кино экранларига ҳам олиб чиқди.

Кейинчалик актриса тарихий киноасарларда, фильм-ривоятларда, комедияларда фаол суратга туша бошлади.

Бабитта Фарида Ахтар утган Тошкент киноанжуманларининг азиз меҳмони. Тошкентда Бангладеш киноюлдузи беш мартаба ташриф буюрган. Бизнинг томошабинларимиз бу актрисани илк бор режиссёр Субх Даттнинг «Осмон билан ер орасида» номли фильмда курган эдилар. Таниқли режиссёр Хан Ахтур Раҳмоннинг III Тошкент Халқаро кинофестивалида намойиш қилинган «Ҳаётга қайтиш» фильми унинг шухратини янада оширди.

Ҳинд кинорежиссёри Сатьяджит Рейнинг 1943 йилда Бенгалияда рўй берган даҳшатли очарчилик ҳақида ҳикоя қилувчи «Олислаги момақалдирик» фильмида актриса Ананга Боу исмли аёл ролини ижро этди. Мазкур фильмдаги иштироки санъаткор ижро маҳоратини янада сайқаллаш билан бирга, унинг номини жаҳон кино оламида шон-шухратга буркади. 1973 йилда фильм Фарбий Берлин халқаро кинофестивалида соврин билан тақдирланди. Бабитта эса аёл ролининг энг моҳир ижросисига бериладиган мукофотга сазовор бўлди.

Юздан ортиқ роллар талқин этган Бабиттанинг ижодида «Курашчи» ҳамда «Қиролга айланган гадо» фильмлари ерқин изқолдири.

Сердирра ижодкор Бабитта Фарида Ахтар фақат бош ролларнинг моҳир ижросисигина эмас, балки сценарий муаллифи ва режиссёр ҳамдир.

Хар сафар кино юлдузлари ҳақида фикр юритганимизда, бу муъжизавий ва сирли сузининг туб маъносини англашга, кино юлдузларининг жозибаси, сеҳр кучи, тақдорланмас ижро услуби моҳиятини таҳлил этишга уринамиз. Ва хар сафар бу мафтункор ва сирли иборанинг туб маъносини ҳеч биримиз ва ҳеч қачон ечиб беролмаслигимизга яна бир бор иқроп бўламиз.

Бабитта — Бангладеш киносининг ерқин юлдузи, томошабинларимизнинг сеvimли актрисаси. Жаҳон киноси оламида истеъдодли санъаткорнинг муносиб урни бор. Бабиттанинг истеъдоди ва жозибаси таровати бизни мафтун этаверсин.

Феруза НОДИРОВА

ИСТЕЪДОДИ, ЖОЗИБАСИ ТАРОВАТИ

Бабитта — Бангладеш киносининг ерқин юлдузи, томошабинларимизнинг сеvimли актрисаси. Жаҳон киноси оламида истеъдодли санъаткорнинг муносиб урни бор. Бабиттанинг истеъдоди ва жозибаси таровати бизни мафтун этаверсин.

ФОЛИБЛАРГА СОВФА

Чуст халқ таълими бўлими ташаббуси билан бундан тўрт йил илгари Чуст тарихини яратишга ҳаракат бошланган эди. Шунга асосан Наманган Давлат университетининг тарих кафедраси ўқитувчилари ва мактабларнинг шу соҳа ўқитувчилари ердими билан дарслик яратилди. Мактаб ўқувчилари ўртасида «Она юртим — жоним Чустим» мавзусида кўриқ-танлов бўлиб ўтди. Шаҳар ҳокимлиги қарори ва низомига асосан хар йили ўқувчилар ўртасида бу танловни ўтказиш анъанавий тус олди. Утган йили кўриқ-танловнинг финал босқичида Абдулла Қаҳҳор номили 11-урта мактаб ва Мирзо Улугбек номили 9-урта мактаб жамоалари иштирок этишди. У республика телевидениесида намойиш этилди. Фолиб ўқувчилар ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совгалари билан тақдирланди.

Бу йилги финалда Юнусзода номили 7-урта мактаб (директор Д. Исомиддинова) ва «Намуна» номили 1-урта мактаб (директор Ю. Олимов)лар иштироки этилди. Шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан 45 нафар ўқувчиларга Тошкент шаҳрида бориш учун йўланма берилди.

Ўқувчилар Тошкент шаҳрига келиб мустақиллик даврида қурилган ишотлар ва тарихий ҳиёболларни томоша қилишди.

«Тошкент турист» масъулияти чекланган жамияти аъзолари саёҳатчиларни самимий кутиб олиб, мароқли дам олишлари учун етарли шартшароит яратиб бердилар.

Аюбжон ИБРОҲИМОВ,
Чуст шаҳар халқ таълими бўлими бош мутахассиси.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 64-катталар таълим маркази томонидан 1995 йили Холбоев Шухрат номига берилган № 387341 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги шартнома йўқолишини сабабли бекор қилинди.



Турфа олам

МИТТИ ҚИЗАЛОҚЛАР

Голландиялик Полин Мастерс инсоният тарихида энг кичкина одим ҳисобланади. Туркия чочла уни бўйи 30 сантиметр бўлган. 9 ёшида эса бўйи зўра 55 сантиметрга етди, вази эса айтиш 1,5 килограмми ташқил этган. Полин 19 ёшида ўпаси ялғизлигини ва меннинг хасталиги туйфайли оламдан кўз юмди.

Улими олдида унинг бўйи 61 сантиметр, вази эса 4 килограмм атрофида бўлган.

Шуни билсак, Статуага исми юнон қиз туйғилганда бўйи 15 сантиметр бўлган. 9 ёшида эса бу қизалоқнинг бўйи 50 сантиметр, вази 1,98 килограммга етган.

ЭНГ ПАСТ БҮЙЛИ ЭРКАК

АҚШ фуқароси Калвин Филлипс дунёдаги энг бўйи паст



эркак ҳисобланади. 907 грамм вази билан дунёга келган Калвин 5 ёшида сиқилдан тухтаган. 19 ёшида унинг бўйи 67 сантиметр, вази эса 5,4 килограммга етган.

Мадрида тугилган Пол Дел Рио исми миттивийнинг бўйи эса 48 сантиметр, вази эса 5,4 килограмм бўлган.

«Майор Майт» лақаби билан дунёга келган машҳур Уильям Жексоннинг эса дунёга келган пайта вази 340 грамм, бўйи эса 23 сантиметр эди. 16 ёшида унинг бўйи 53 сантиметр, вази эса 11 килограммга етган.

ЭНГ ЖАҲЖИ ЭГИЗАКЛАР

Матюс ва Бела Матуналар дунёдаги энг митти эгизаклар сифатида «Гиннеснинг рекордлар китоби»га қайд этилди. Гап шундаки, 30 ёшида бу эгизакларнинг бўйи 76 сантиметр бўлган.

Айни кунда АҚШнинг Флорида штатида яшаётган Жон ва Грег Рейслар ҳам миттивийлик дунёга танилган. Бу эгизакларнинг бўйи 86,3 сантиметрга тенг бўлган.

УЗОҚ ЯШАГАН КИЧКИНТОЙ

АҚШнинг Нью-Жерси штатидаги Ньютон шаҳрида яшаган Сюэзана Бакони 105 ёшида вафот этган. Бу пайтада унинг бўйи 101 сантиметр, вази эса 16,78 килограмм бўлган. Буюк Британиянинг Мэлока шаҳрида яшаган Ани Кюова ҳам узоқ умр курган миттивийлардан ҳисобланган. Унинг бўйи 114 сантиметр, вази эса 21,7 килограмм бўлган.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Тахир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЕЗОВ, Расулмат ХУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир уринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ГОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИИ:
«Ўзқишлоқ ҳўжалиқ таълим нотузатиш» давлат-широқат кўмитаси
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КўЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир уринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Дехқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими — 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят ва хатлар бўлими — 36-54-52.